

**“Andijon Tajriba-Sinov Zavodi” АЖ акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
12 – сонли Б А Ё Н И**

Андижон шаҳар,
А.Навоий кўчаси 87 уй

2020 йил 5 июн

бошланиши 14:00

яқунланиши 15:00

Жами акциялар сони 603 175 дона
Шундан овоз берувчи акциялар сонн 563 960 дона
Овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони 505 881 дона (89,7%)

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ишончли вакили, Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Р.М Шарипов очиб берди.

Сўз санок комиссия раиси Каримова Юга берилди. У ўз сўзида акциядорларни рўйхатга олиш якунига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида жами овоз берувчи **505 881 дона** акциядорлар иштирок этаётганлигини ва йиғилишнинг ваколати (кворуми) **89,7 фоизни** ташкил этишини ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ йиғилиш ўтказиш учун ваколат (кворум) мавжудлигини маълум қилди.

А.М.Тўрабаев умумий йиғилишни раиси этиб Р.М.Шарипов номзодини таклиф қилди.

Йиғилиш иширокчилари юкоридаги таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Р.М.Шарипов йиғилишни бошладан аввал йиғилиш раёсатини сайлаб олиш

озимлиги билдириб, раёсатга қуйидагиларни таклиф этди:

1. Р.М.Шарипов - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ишончли вакили, Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг инвестиция мажбуриятларини бажарилиши мониторинги бўлим бошлиғи;

2. Б.С.Рўзमतов - “Камалак” ИФ нинг ишончли бошқарувчи ташкилотининг ички назоратчиси;

3. А.М.Турабаев - “Андижон ТСЗ” АЖ Бошқарув раиси.

Йиғилиш иштирокчилари бир овоздан маъқулладилар.

Р.М.Шарипов умумий йиғилиш котиби вазифасини бажаришни Григорчук Н.И.га топширишни таклиф қилди.

Йиғилиш иширокчилари юкоридаги таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Умумий йиғилиш раиси мажлисни кун тартиби билан таништириб
чикди.



КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиш ишчи органларини ва регламентини тасдиқлаш.
3. "Andijon Tajriba-Sinov Zavodi" АЖ балансида Андижон шаҳар, Сои МФЙ Қўшарик кўчаси 7-уйда жойлашган 2-сонли механик йиғув цехи маъмурий биноси ва ишлаб чиқариш биноларини аниқланган бозор қийматида тўғридан-тўғри "Дониёрбек 2020" МЧЖга сотиш.

Кун тартибидаги биринчи масала

Р.М.Шарипов сўзга чиқиб, бюллетенлар ҳисобини олиб бориш учун санок комиссияси аъзоларини сайлаб олиш лозимлигини маълум қилиб, санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф этди:

Абдураимов З.

Дадабаева Ф.

Каримова Ю.

Бюллетенда кўрсатилган номзодлар учун овоз беришингизни сўрайман.

Абдураимов З.

Овоз бердилар: "тарафдор"- 100 %, "қарши"- 0 %, "бетараф"-0 %

Дадабаева Ф.

Овоз бердилар: "тарафдор"- 100 %, "қарши"- 0 %, "бетараф"-0 %

Каримова Ю.

Овоз бердилар: "тарафдор"- 100 %, "қарши"- 0 %, "бетараф"-0 %

Санок комиссияси аъзолари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини олиб бориш Регламентини, сўзга чиқувчилар учун 30 минут, савол-жавоб ва маълумотлар учун 30 минут вақт белгилашни таклиф этди.

Овоз беришни таклиф этаман (овоз бериш бюллетенда):

Овоз бердилар: "тарафдор"- 100 %, "қарши"- 0 %, "бетараф"- 0 %

Кун тартибидаги учинчи масала

Р.М.Шарипов сўзга чиқиб, Андижон шаҳрида жойлашган "Дониёрбек 2020" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директор С.Х.Бекенов номига Андижон шаҳар, Сои МФЙ, Қўшарик даҳаси 7-уйда

жойлашган 2- сонли механик йиғув цехи маъмурий биноси ва ишлаб чиқариш биносини 5 млрд.сўмга сотиб олиш истагини билдирганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 май куни бўлиб ўтган йиғилишида Андижон вилоят ҳокими томонидан ҳудудда бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар берилганлиги;

Ўз навбатида, давлат раҳбари томонидан ушбу таклифлар маъқулланиб, вилоят ҳокими томонидан кўтарилган масала бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга топшириқлар берилганлигини маълум қилди.

Шунга кўра, Андижон шаҳар, Соғ МФЙ, Қўшарик даҳаси 7-уйда жойлашган 2- сонли механик йиғув цехи маъмурий биноси ва ишлаб чиқариш биносини “Диниёрбек 2020 ” МЧЖга бозор қийматда тўғридан-тўғри сотиш масаласи бўйича

Овоз беришни таклиф этаман (овоз бериш бюллетенда):

Овоз бердилар: “тарафдор”- 100 %, “қарши”- 0 %, бетараф”- 0 %

Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар бир овоздан **Қарор қилади:**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:

1. Абдураимов З.
2. Дадабаева Ф.
3. Каримова Ю.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

умумий йиғилишини олиб бориш Регламенти, сўзга чиқувчилар учун 30 минут, савол-жавоб ва маълумотлар учун 30 минут вақт белгилансин.

Кун тартибидаги учунчи масала бўйича:

Андижон шаҳар, Соғ МФЙ, Қўшарик даҳаси 7-уйда жойлашган 2- сонли механик йиғув цехи маъмурий биноси ва ишлаб чиқариш биноси “Диниёрбек 2020 ” МЧЖга бозор қийматда тўғридан-тўғри сотишга розилик берилсин.

Жамият ижро органи раҳбари (А.М.Турабоев)га:

Белгиланган тартибда тадбиркор билан тузиладиган битим бўйича мустақил ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини олган ҳолда ушбу битимни тадбиркор билан тузиш вазифаси юклатилсин.

Сотишдан тушган маблағ бўйича кузатув кенгаши таклифи асосида навбатдаги ўтказиладиган умумий йиғилиш кун тартибига таклиф киритилсин.

Мажлис раиси :

 Шарипов Р.М.

Йиғилиш котиби:

 Григорчук Н.И.

Йиғилиш баёни тузилган сана : “9” июн 2020 йил